**«PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» АЖ**
**АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ**
**БАЁНИ**

**2022 йил 13 апрел** **соат 11 -$^{00}$**

Овоз берувчи акциялар сони: 1126000

Акциядорларнинг 2021 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шахар Яшнабод тумани Паркент кучаси 74 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2022 йил 13 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 1 073 400 овозга эга акциядорлар қатнашди, бу жами акциядорларнинг 95.9 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш хуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:
С.Ю.Каримов – «Муниципал активларни бошқариш маркази» ДУК бўлим бошлиғи
Т.К.Камолов - Муниципал активларни бошқариш маркази» ДУК, бош мутахассис
Б.Б.Турсунходжаев – «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» АЖ директори
Реестр буйича акциядорлар сони 2738 та. 1 126 000 овоз. Бошка тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 3 та акциядор, 1 073 400 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 95,9 % ни ташкил этди.

Тошкент шахар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили этиб, Муниципал активларни бошқариш маркази» ДУК, бўлим бошлиғи С.Ю.Каримов юборилган.
Йиғилишда раисликни С.Ю.Каримов олиб борди.

С.Ю.Каримов йиғилиш ўтказиш учун кворум 95,9 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Н.А.Норхўжаев номзоди таклиф этилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан кабул килинди.

Шунингдек, С.Ю.Каримов йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги хакида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган А.Л.Содиқов, Г.А.Халтаева, Г.А.Султоноваларини овозга қўйди.
Санок комиссияси юкоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси С.Ю.Каримов умумий йиғилиш кун тартибига куйидаги масалалар киритилганлигини маълум килди:

1. *Жамият директори ва Кузатув кенгаши раисининг жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2021 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар тўгрисидаги хисоботларини эшитиш;*
2. *Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш;*
3. *Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ваколатига киритилган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосасини кўриб чиқиш;*
4. *Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаш;*
5. *Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари хисоб варағини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш;*
6. *Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган "Бизнес режаси"ни ҳамда "даромадлар ва харажатлар сметаси"ни тасдиқлаш;*
7. *Жамият директорини сайлаш ҳақида;*
8. *Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;*
9. *Жамият Тафтиш комиссиясини сайлаш;*

*10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;*

*11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.*

*12. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;*

Йиғилиш раиси С.Ю.Каримов кун тартибидаги масалаларни мухокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши хақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 10 минут, колган масалаларга 5 минут, мухокамада сўзга чикувчилар учун 3-5 минутдан вакт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш мухокамасига куйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши хакида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси С.Ю.Каримов сўзни жамият директори Б.Б.Тусунходжаевга берди.

Б.Б.Турсунходжаев сўзга чикиб, «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» АЖ нинг 2021 йил молиявий– хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум килди:

«PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2021 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2021 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг барча бандларини бажарди.

Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича жамият жами даромадлари қуйидагича:

| № | Кўрсаткичлар | Йил бошидан режа | Йил бошидан амалда | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Жами даромадлар: | **1 351 710** | **1 377 029** | **25 319** |
| 1.1. | Жой хаки | 0 | 0 | 0 |
| 1.2. | Ижара ҳақи | 386 437 | 428 393 | 41 956 |
| 1.3. | Инфраструктура тўлови | 899 524 | 893 023 | -6 501 |
| 1.4. | Жами пуллик хизматлар: | 65 749 | 55 613 | -10 136 |
| 1.4.1. | Арава хизмати | 0 | 0 | 0 |
| 1.4.2. | Тарози хизмати | 0 | 0 | 0 |
| 1.4.3. | Қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ-овкат маҳсулотларини сақлаш (Коровулик хизмати) | 0 | 0 | 0 |
| 1.4.4. | Юк саклаш хизмати | 0 | 0 | 0 |
| 1.4.6. | Хожатхона хизмати | 0 | 0 | 0 |
| 1.4.7. | Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизмати | 65 749 | 55 613 | -10 136 |
| | | | | |
| 2 | Жами бюджетга солиқлар | **464 508** | **316 012** | **-148 496** |
| 2.1. | ҚҚС 15% | 176 310 | 77 017 | -99 293 |
| 2.2. | 12% ижтимоий солик | 50 400 | 71 601 | 21 201 |
| 2.3. | Мол-Мулк солиғи | 15 180 | 15 180 | 0 |
| 2.4. | Ер солиғи | 116 171 | 122 604 | 6 433 |
| 2.5. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 7 224 | 7 224 | 0 |
| 2.6. | фойда солиги | 100 488 | 22 386 | -78 102 |
| 3 | Жами Соф тушум (Форма 2 сатр 010) | 1 175 400 | 1 300 012 | 124 612 |
| | | | | |
| 4 | Давр харажатлари | **734 136** | **1 085 486** | **-351 350** |
| 4.1. | Иш ҳақи | 420 000 | 596 680 | -176 680 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4.2. | 12% ижтимоий солик | 50 400 | 71 601 | -21 201 |
| 4.3. | Мол-Мулк солиғи | 15 180 | 15 180 | 0 |
| 4.4. | Ер солиғи | 126 732 | 122 604 | 4 128 |
| 4.5. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 7 224 | 7 224 | 0 |
| 4.6. | Сув ва канализация | 7 200 | 27 833 | -20 633 |
| 4.7. | Электр қуввати | 21 600 | 22 345 | -745 |
| 4.8. | Газ харажатлари | 0 | 15 660 | 15 660 |
| 4.9. | Дизенфекция харажатлари | 0 | 25 000 | 25 000 |
| 4.10. | Махсустранс | 7 200 | 16 406 | -9 206 |
| 4.11. | Транспорт харажатлари | 0 | 0 | 0 |
| 4.12. | Иссиқлик энергияси | 0 | 0 | 0 |
| 4.13. | Телефон, интернет | 5 400 | 8 944 | -3 544 |
| 4.14. | ИИБ хизмати | 0 | 0 | 0 |
| 4.15. | Жорий таъмирлаш | 0 | 0 | 0 |
| 4.16. | Ас.восита эскириши | 8 400 | 10 020 | -1 620 |
| 4.17. | Банк фоизи, хизмати | 4 800 | 4 743 | 57 |
| 4.18. | Бошқа харажатлар | 60 000 | 141 246 | -81 246 |
| | Жами харажатлар | **734 136** | **1 085 486** | **-351 350** |
| 5 | Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) | **441 264** | **214 526** | **226 738** |
| 6 | Фойда солиги | **88 253** | **22 386** | **45 348** |
| 7 | Хисобот даври соф фойдаси (зарар) | **353 011** | **192 140** | **181 390** |
| | Рентабеллик даражаси | 26,1 | 14,0 | |

Жамиятнинг 2021 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 353 011.0 минг сўм, амалда 192 140.0 минг сўм.
2021 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори.

Жумладан

Сабаб;

- Иш ҳақи – 176 680 (иш хаққини кўтарилиши, мехнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши хисобига)
- 12% тўловлар - 21 201.0 (иш хаќи ошиши хисобига)
- Бошқа харажатлар – 141 246 (кўзда тутилмаган харажатлар ҳисобига)

Жамиятнинг 2022 йил 1 январ холатига дебиторлик карздорлик 277 751.4 минг сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг 2022 йил 1 январ холатига кредиторлик карздорлик 0.0 сўмни ташкил этади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28 июлдаги "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги 207-сонли қарорида "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш хамда тақдим этилган рақамларга асосан 2021 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 89.2 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, яхши даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлис раиси С.Ю.Каримов сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2021 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғисида жамият ижро этувчи раҳбарининг хисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган хисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва ҳаражатлар сметасида белгиланган ҳаражатлардан ортиқ ҳаражатга йўл қўймаслик ҳамда хукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни

ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2021 йил 26 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида маъқулланди, тасдиқлаш учун 2022 йил 13 апрелдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча хужжатлар хеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашга бериб борилди. 2021 йил мобайнида «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари конуни ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаш мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларига таништириб ўтди.

Шунинегдек биринчи масала давомида жамиятнинг барча филиал рахбарлари сўзга чиқиб мажлис қатнашчиларига бир йил давомида амалга оширилган ишлар хамда белгиланган режалар бажарилиши юзасидан ахборот бериб ўтдилар ва жамият томонидан берилган барча топшириқларни бажарганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош хисобчиси Е.Ю.Мирмухамедова хисобот берди.

Е.Ю.Мирмухамедова сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан «ORIENT AUDIT GROUP» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил 13 мартда №5/03-2022 сонли молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви хаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича сўзни жамият тафтиш комиссияси аъзоси маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшитирди.

Жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб, тафтиш комиссия аъзоларининг фикрича ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг мухмлилиги натижасида «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хужалик фаолияти натижаларини ва молиявий холатини ҳаққонийлигини акс эттиришини тўғрисида тафтиш коммиссияси хулоса берганлигини тўғрисидаги хулосани ўқиб эшитирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Е.Ю.Мирмухамедова берди.

Жамият бош мухосиби Е.Ю.Мирмухамедова сўзга чиқиб, жамиятни 2021 йил молиявий – хўжалик хисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

«PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» АЖнинг 2022 йил 1 январ холатига бухгалтерия баланси

**Бухгалтерлик баланси: форма № 1** (минг сумда)

| № | Актив | Сумма | Пассив | Сумма |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Асосий воситалар бошланғич қиймати | 1 048 181.3 | Устав капитали | 1 126 000.0 |
| 2 | Эскириш | 186 833.20 | Захира капитали | 126 695.80 |
| 3 | Асосий воситалар қолдиғи | 861 348.10 | Тақсимланмаган фойда, зарар | 369 580.28 |
| 4 | Узоқ муддатли инвестиция | 270 310.70 | Бюджет бўйича қарзлар | 0 |
| 5 | Қимматли қоғозлар | 270 310.70 | Мехнатга хақ тўлаш қарзи | 0 |
| 6 | Ишлаб чиқариш захиралари | - | Бюджетдан ташқари қарзлар | 0 |
| 7 | Келгуси давр харажатлари | - | Солиқ ва бошқа мaж. тўловлар бўйича кечик. мажбуриятлар | 0 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 8 | Товар-моддий захиралар | - | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз | 0 |
| 9 | Пул маблағлари | 79 418.90 | Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга | 0 |
| 10 | Дебиторлар жами | 277 751.38 | | |
| | **Актив бўйича жами** | **1 488 829.08** | **Пассив бўйича жами** | **1622 276.08** |

**Молиявий натижалар: форма № 2**

| Кўрсаткичлар номи | Ўтган йилнинг шу даврида | | Хисобот даврида | |
|---|---|---|---|---|
| | Даромадлар | Харажатлар | Даромадлар | Харажатлар |
| Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум | 788 308.95 | х | 1 300 012.0 | х |
| Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тан нархи | х | 0,0 | х | - |
| Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси | 788 308.95 | - | 1 300 012.0 | 0 |
| Давр харажатлари жами | х | 568 034.50 | х | 1 085 486.0 |
| Асосий фаолиятнинг бошқа даро. | 220 274.45 | х | 214 526.0 | 0 |
| Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) | 0 | х | 0 | х |
| Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами | 220 274.45 | 0 | 214 526.0 | 0 |
| Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари) | 220 274.45 | 0 | 214 526.0 | 0 |
| Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) | х | 33 041.70 | х | 32 179.00 |
| Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар | 187 232.75 | - | 182 347.00 | - |
| Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари) | 788 308.95 | х | 1 300 012.0 | х |

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Е.Ю.Мирмухамедова сўзга чикиб, жамиятни 2021 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари хисоб варағини тасдиқлаш хакида қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг 2021 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 353 011.0 минг сўм белгиланган бўлиб, амалда 192 140.0 минг сўмни ташкил этган.

Жамият бош муҳосиби Е.Ю.Мирмухамедова 2021 йилда олинган 192 140.0 минг сўм фойдани 50 % дивидентга, 15 % жамият захира фондига, 35 % жамиятни ривожлантиришга йўналтириши таклиф этди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича сўзни жамият директори Б.Б.Турсунходжаев ва жамият бош муҳосиби Е.Ю.Мирмухамедова берди. Б.Б.Турсунходжаев сўзга чиқиб, жамиятни 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», хамда Е.Ю.Мирмухамедова сўзга чиқиб жамиятнинг 2022 йил “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуни ва Кузатув Кенгаши хисобот йили якуни бўйича жамиятнинг ижроия органи билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан ўз хулосасини акциядорларни навбатдаги умумий йиғилиши мухокамасига киритиши белгиланган.

"PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI" АЖ директори Турсунходжаев Баходир Бахтиярович 2021 йил хисобот йилида жамиятни бошқаришга доир Қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этгани, 2021 йил учун белгиланган жами даромадлар режасини бажарганлиги, жамият Кузатув кенгаши у билан тузилган мехнат шартнома узайтириш бўйича таклифини бердилар.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият акциядорлари сони беш юздан кўп бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 9 кишидан иборат бўлишлигини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан сўзни мажлис раиси сўзга чиқиб, жамиятни 2022 йил учун Тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар Юсупов Абдугофир Абхарович, Ибрагимова Гулчехра Махкамовна, Кучаров Элмурод Бободавлатовичлар номзодлари қўйилганлигини билдириб, тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича "FTF-LEA-AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб бахоланганлиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда -161 "паст" бахо берилганлиги, фоиз шкала -13 % ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахасси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни"га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотдан таклиф тушганини айтиб ўтди:

1. «ORIENT AUDIT GROUP» МЧЖ - 8 000 000 сўм,

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан жамият кадрлар бўйича инспектори Г.А.Султонова сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмаси лойихаси билан таништириб ўтди ва тасдиклаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси Г.А.Султоновага ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

| № | Кун тартиби | «Ёқлайман» | | «Қаршиман» | | «Бетарафман» | | Овоз бермаганлар | | Ҳақиқий эмаслар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Масала | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **2** | Масала | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **3** | Масала | 1046418 | 98 % | 0 | 0 | 26982 | 2 % | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **4** | Масала | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **5** | Масала | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **6** | Масала | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **7** | Масала | | | | | | | | | | |
| | Б.Б.Турсунходжаев | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **8** | Масала | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.1 | М.А.Ирматов | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.2 | Л.Т.Акбарходжаев | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.3 | Ж.М.Тошхўжаев | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.4 | М.Р.Каримов | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.5 | С.Ю.Каримов | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.6 | Н.В.Талипджанов | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.7 | А.А.Артиков | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.8 | И.Ф.Абдурахмонова | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.9 | Н.Б.Халилова | 0 | 0 | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8.10 | Ж.Ш.Жўрабоев | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **9** | Масала | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 9.1 | А.А.Юсупов | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 9.2 | Г.М.Ибрагимова | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 9.3 | Э.Б.Кучаров | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **10** | Масала | 1046418 | 98 % | 0 | 0 | 26982 | 2 % | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **11** | Масала | 1073400 | 100 % | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **12** | Масала | 1046424 | 100 % | 0 | 0 | 26976 | 2 % | 0 | 0 | 0 | 0 |

**Қарор қабул қилади.**

**1.** «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 1073400 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**2.** Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «ORIENT AUDIT GROUP» МЧЖнинг 2022 йил 16 мартдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси инобатга олинсин (ёқлаган 1073400 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**3.** Жамият Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 1046418 та овоз – 98 %, қарши – йўқ, бетараф– 26982 та овоз-2 %).

**4.** Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик хисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 1073400 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**5.** Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиклансин.

5.1.Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 192 140.0 минг сўм фойдани 50 % 96 070 минг сўм дивидентга, 15 % 28 085.0 минг сўм жамият захира фондига, 35 %

жамиятни ривожлантиришга йўналтирилсин. (ёқлаган 1073400 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**6.** Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият директори (Б.Б.Турсунходжаев)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш, (ёқлаган 1073400 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**7.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори Турсунходжаев Боходир Бахтиёровичнинг меҳнат шартномасини узайтириш тасдиқлансин ва шартнома уч йил муддатга тузилсин (Ёқлаган 1073400 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

**7.1.** Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

**8.** Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

| | | |
|---|---|---|
| 8.1 | Ирматов Мурод Абдукахарович | 1073400- та овоз |
| 8.2 | Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич | 1073400- та овоз |
| 8.3 | Акбарходжаев Лазизхон Турапович | 1073400 - та овоз |
| 8.4 | Каримов Сардор Юлдашбоевич | 1073400 - та овоз |
| 8.5 | Каримов Малик Рахимович | 1073400- та овоз |
| 8.6 | Талипджанов Нодир Вахидович | 1073400- та овоз |
| 8.7 | Артиков Абдусаттор Абдурахмонович | 1073400- та овоз |
| 8.8 | Абдурахмонова Ирода Фуркатовна | 1073400- та овоз |
| 8.9 | Жўрабоев Шерзод Жўрабой ўғли | 1073400- та овоз |

**9.** Жамият Тафтиш комиссияси таркиби тасдиқлансин.

| | | |
|---|---|---|
| 9.1 | Юсупов Абдугофир Абхарович | 1073400- та овоз |
| 9.2 | Ибрагимова Гулчехра Махкамовна | 1073400- та овоз |
| 9.3 | Кучаров Элмурод Бободавлатович | 1073400- та овоз |

**10.** Жамият “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -161 “паст” бахо, фоиз шкала -13 % бахоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 1046418 та овоз – 98 %, қарши – йўқ, бетараф– 26982-2 %).

**11.** Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “ORIENT AUDIT GROUP” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 8 000 000 сўм миқдори этиб белгилансин. (ёқлаган 1073400 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**12.** Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (ёқлаган 1046424 та овоз – 98 %, қарши – йўқ, бетараф– 26976 та овоз 2 %)

Баённома имзоланган сана: «22» 04 2022 йил.

**Мажлис раиси** **С.Ю.Каримов**

**Мажлис котиби** **Н.А.Норхўжаев**

2022 йил 13 апрелдаги «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг Умумий йиғилишида жамият Кузатув кенгашига сайланган шахснинг маълумотлари

| Ф.И.О | Серия | Серия рақами | Ким томонидан берилган | Қачон берилган |
|---|---|---|---|---|
| Акбарходжаев Лазизхон Турапович | АА | 5153143 | Тошкент шахар ИИБ | 17.04.2014 |
| Талипджанов Нодир Вахидович | АА | 6140910 | Учтепа тум. ИИБ | 10.07.2014 |
| Жўрабоев Шерзод Жўрабой ўғли | АВ | 1770870 | Юнусобод тум.ИИБ | 29.10.2015 |

2022 йил 13 апрелдаги «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг Умумий йиғилишида жамият Тафтиш комиссиясига сайланган шахснинг маълумотлари

| Ф.И.О | Серия | Серия рақами | Ким томонидан берилган | Қачон берилган |
|---|---|---|---|---|
| Кучаров Элмурод Бободавлатович | АВ | 2448612 | Сергели тум. ИИБ | 16.12.2015 |
| Юсупов Абдугофир Абхарович | АА | 1935193 | Миробод тум. ИИБ | 22.06.2013 |

2022 йил 13 апрелдаги «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг Умумий йиғилишида жамият директорлигига сайланган шахснинг маълумотлари

| Ф.И.О | Серия | Серия рақами | Ким томонидан берилган | Қачон берилган |
|---|---|---|---|---|
| Турсунходжаев Баходир Бахтиярович | АА | 0264202 | Тошкент ш. Хамза тум. ИИБ | 25.09.2012 |